


## I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-июнда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 4226,3 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 79,0 фоизни ташкил қилди.


### Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	жамига нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	4226,3	79,0	100,0
<i>шу жумладан</i>			
Марказлашган инвестициялар:	1046,2	47,8	24,8
бюджет маблағлари	72,1	132,8	6,9
давлат мақсадли фонд маблағлари	105,0	91,2	10,0
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	608,6	31,6	58,2
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	260,5	289,1	24,9
Марказлашмаган инвестициялар	3180,1	100,3	75,2
корхоналарнинг ўз маблағлари	1773,6	114,2	55,8
аҳоли маблағлари	502,6	90,2	15,8
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	468,5	57,9	14,7
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	435,4	177,7	13,7

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**



**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг манбалари**



**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашмаган  
инвестицияларнинг манбалари**



**2018 йил январь-июнда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби:**

	<i>жами</i>	<i>Давлат</i>	<i>Нодавлат</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	4226,3	180,1	4046,2
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>	100,0	4,3	95,7
қурилиш-монтаж ишлари	2379,3	134,5	2244,8
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	705,2	25,1	680,1
Бошқа ҳаражатлар	1141,8	20,5	1121,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2017 йил январь-июнга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 0,7 фоизли пунктга камайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 0,4 фоизли пунктга камайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 34,9 фоизли пунктга кўпайган.

**Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича:**  
(млрд. сўм ҳисобида)




**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

2018 йил январь-июнда умумий майдони 473,8 минг кв.м. бўлган 3109 та (2017 йил январь-июнга нисбатан 94,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 249,7 минг кв.м. (81,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2018 йил январь-июнда 1615,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,1 фоизни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 7,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 13,1 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 72,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

**2018 йил январь-июнь ойларида қурилиш ишларининг ўсиш суръати (% да)**



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1580,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,8 фоизни (2017 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 116,0 фоизни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсими қўйидагича ифодаланади:**  
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ҳисобот даврида Қашқадарё вилояти бўйича жами қурилиш ишлари ҳажми 1615,6 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 97,8 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Қарши шаҳрида 2,9 улушни (2017 йилнинг мос даврига нисбатан 32,4 фоизга кўпайган), Муборак туманида 0.8 улушни (32,3 фоизга камайган), Косон туманида 6,3 улушни (52,7 фоизга камайган) ташкил қилди.

Кичик пудрат ташкилотлари ва микрофирмалар томонидан салмоқли қурилиш ишлари ҳажми Қарши шаҳрида 324,2 млрд. сўм ёки 2017 йилга нисбатан 105,9 фоиз, мос равишда Китоб туманида 131,6 млрд. сўм (180,3 фоиз), Қарши туманида 153,3 млрд. сўм (127,8 фоиз), Шаҳрисабз туманида 86,9 млрд. сўм (126,0 фоиз) бажарилди.

Жами қурилиш ишлари ҳажмида, корхоналарнинг янги қурилиши, реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши ва техник қайта қурулантирилишининг улуши 72,1 фоизни, капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларининг улуши эса 27,9 фоизни ташкил этди.